

Болаликдаги таълим



14:17 / 03.12.2024 1889

Фарзандингизга болалигида Қуръон ўқитинг. Унинг қалбини Қуръони Карим ила мунаввар қилинг. Ундан кейин уни ҳар қандай ишга қўйинг, иншааллоҳ ва яна иншааллоҳ, албатта, Қуръони Каримнинг анвору баракотлари уни тарк этмайди. Болангизга ҳамма нарсдан олдин Қуръонни ўргатиб қўйсангиз, иймон уруғини унинг қалбига мустаҳкам жойлаб қўйган бўласиз. Тажрибаларда кўрилган иш шуки, ёшлигида Қуръони Каримни ўқиб-ўрганган болалар кейинчалик қандай муҳитга тушсалар ҳам, иймон уруғи уларнинг қалбида тураверади.

Аммо сиз болага ёшлигида «бисмиллаҳ», «субҳаналлоҳ», «алҳамдулиллаҳ» калималарини, Қуръони Каримни ўргатиш ўрнига, ит-мушукни танитсангиз, ақлига ҳайвонларни жойлаб қўйсангиз, унинг қалбига иймон нури қаердан киради? Ислом муҳаббати қаердан келади? Охиратнинг ғам-

ташвиши қандай пайдо бўлади? Тарбиямиз шунақа бўлганидан кейин чор тарафимизда моддапараст одамларнинг изғиб юриши табиий ҳол. Ундайларда Аллоҳ таолонинг ҳузурида туриш ҳисси ҳам йўқ. Ундайлар ўзларига зулм қилади. Ўзгаларнинг эса, терисини шилиб олади.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/ 2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари асосида чоп этилди.